Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи 10 сўм.

1993 йил 6 июль, сешанба

№ 124 (21.475).

ПРЕЗИДЕНТ ТУРКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг Истанбул шаҳрида бўладиган навбатдаги анжуманида қатнашиш учун Туркияга жўнаб кетди.

Маълумки, мазкур минтақавий иқтисодий ташкилотнинг ўтган йилнинг февралида Теҳронда бўлиб ўтган мажлисида республикамиз илк марта тўлаконли аъзо сифатида иштирок этган эди.

— Сафардан мақсадимиз, — деди Ислом Каримов журналистлар саволларига жавоб бера туриб, Истанбул анжуманида мазкур ташкилот аъзолари бўлган давлатларнинг 2000 йилгача ва ундан кейинги даврга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишдан иборат. Бу анжуман Марказий Осиё республикалари ва уларга қўшни бўлган Шарқ мамлакатлари ўртасида эркин иқтисодий алоқалар равнақига хизмат қилади.

Аэропортда Президентни республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатиш маросимида Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси масъул ходими Вакур Эрқул ҳозир бўлди.

(ЎзА).

• Енгил саноат корхоналари қурилишида

ТУРКИЯ ФИРМАСИ ҲИСОБИГА

● Урганч шаҳрида Туркиянинг «Мом иншаат ва диш тижарат А. Ш» фирмасининг «Мем-Гилан» хусусий корхонаси шаҳар ҳокимлиги рўйхатидан ўтиб, фаолият кўрсата бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қардош Туркиянинг инвестициясига асосланган бу корхонанинг бунёдкорлик фаолияти дарҳол тилга тушиб қолди.

— Мазкур хусусий корхона вилоят марказининг саноат базаси ҳудудида пахта толасини қайта ишлайдиган фабрикалар мажмуини бунёд этишга киришди, — дейди қурилиш бош директори А. Матёқубов. — Бу корхоналар мажмуи ип-йигирув, тўқув ҳамда тикувчилик фабрикаларидан иборат бўлиб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш, воситачилик қилиш, савдо-харид, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ юмушларни амалга оширади. Айни пайтда вилоят агроқурилиш трестининг 294-қўчма механизациялашган тизими бунёдкорлари комплекс таркибидаги асосий корхона — йилига 3700 тонна ип йигириб чиқарадиган фабрика биноси қурилишини тезкорлик билан олиб боришяпти. Бу муҳим объектда қисқа вақт ичидаёқ 20 миллион сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. «Мем—Гилан» хусусий корхонаси маъмурлари фабрикани шу йил охиригача қуриб, фойдаланишга топширишга қатъий қарор қилишган.

Бўлғуси фабрикалар мажмуининг барча асбоб-ускунава механизмлари Туркиядан келтирилади ва фирманинг ўз маблағи ҳисобига ўрнатилади. Комплекс фойдаланишга топширилгандан кейинги асосий ишни роботлар адо этишса-да, учала фабрикада минг нафарга яқин киши меҳнат қилади.

«Мем—Гилан» хусусий корхонаси, шунингдек, бўлғуси комплекс ишчи-хизматчилари учун қатор турар-жой, боғчаясли, бошқа хил маданий-маиший хизмат бинолари ҳамда 500 кишига мўлжалланган мачит қурилишини ҳам ўз ҳисобига бунёд этишни режалаштирмоқда.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ •

Фарғонадаги тўқимачилик комбинати Ўзбекистон енгил саноат уюшмаси таркибидаги йирик корхоналардан бири. Бугунги кунда 20 турдаги маҳсулот тайёрлаш билан тўқимачилар жамоаси вилоятдагина эмас, балки Марказий Осиё республикаларида ҳам машҳур бўлиб қолди.

Комбинат ишлаб топилган фойда ҳисобидан бозор иқтисодиёти шароитида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга маблағ ажратмоқда. Бу ерда тўқимачилар ҳар ойда 25-30 минг сўм маош олишяпти. Тушлик овқат учун ҳар бир кишига кунига корхона ҳисобидан 100 сўмдан пул берилмоқда.

Шу комбинатда меҳнат қилаётган Мавлуда Турсунова ўз меҳнатидан мамнун. У тўқувчиликда яхши тажриба тўплаган. Ўз касби сир-асрорини тўқувчиликка ихлоси тушган ёшларга астойдил ўргатмоқда.

Суратда: моҳир тўқувчи М. Турсунова.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН «ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ

МУРОЖААТНОМАСИ

Салкам икки йил муқаддам Ўзбекистонимиз мустақил суверен давлат, деб эълон қилинган эди. Шу қисқа муддат ичида кўпгина иш қилинди. Энг муҳими эса, Президент И. Каримов ўтказаётган оқилона, дадил ва пухта ўйланган ички ҳамда ташқи сиёсат туфайли республикамизда иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий соҳани кўзловчи бозор иқтисодиётини режали барпо этиш ва суверен давлатни рухий-маънавий жиҳатдан ривожлантириш учун ҳамма шароит муҳайё қилинди.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодиётини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб, юқори сифатли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бозорни хилма-хил моллар билан мўл-кўл таъминлашга интилиб, енгил саноат корхоналарининг ишчилари, мутахассислари ва хизматчилари Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг икки йиллиги шарафига август ойининг биринчи ўн кунлигида ҳақ олмай қўшимча бир кун ишлаб беришга қарор қилдилар.

Тежалган хом ашё ва материаллардан бир миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари, 1,3 миллион квадрат метр турли хил газлама, 8 минг квадрат метр гилам, 300 мингта трикотаж буюмлар, 150 минг жуфт пойабзал, 300 минг жуфт пайпоқ, 250 мингта чинни идиш ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Юксак меҳнат унумдорлигини ва уюшқоқлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришда катта тайёргарлик ишлари ўтказилди ва зарур маиший шароит яратилди.

Шу кунги иш эвазига топилган 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро «Соғлом авлод учун» жамғармасига ўтказилади.

Мурожаатнома уюшма кенгайтирилган мажлисида қабул қилинди.

ОЛИМА ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Республикамиз жамоатчилиги атоқли давлат арбоби, бутун илмий фаолиятини ҳуқуқшунослик фани ривожига бағишлаган Ҳ. Сулаймонованинг 80 йиллигини кенг нишонлади. Ўзбек хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан биринчи ҳуқуқшунос академик олимани хотирлаб барча вилоятларда анжуманлар ўтказилди.

3 июль куни Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрида Ҳ. Сулаймонова таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, юбилей комиссияси раиси М. Қорабоев очди.

Республика адлия вазири А. Мардиев Ҳ. Сулаймонованинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар умрини адолатни қарор топтиришга бағишлаган Ҳ. Сулаймонованинг ватан олдидаги хизматларини юксак баҳоладилар.. Опа ҳақида хотиралар китоби нашр қилингани, Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтида унинг номидаги махсус стипендия таъсис этилгани мамнуният билан таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев қатнашди.

Тантанали йиғилиш санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти билан якунланди.

* * *

Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтида шу куни Ҳ. Сулаймонова музейи очилди.

(ЎзА).

МЕТАЛЛ КОНИ ТОПИЛДИ

Қизилқум сарҳадларида яна бир ер ости бойлиги топилди. Бу Учқудуқ райони ҳудудидаги Алисой мавзесидан топилган темир-марганец маъдан конидир.

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли қидирув экспедицияси геологлари топган мазкур металл кони ҳадемай фойдаланишга топширилади. Гап фақат энди ушбу конга металл қазиб олувчи технология ўрнатилишида қолди, холос. Геолог ва геофизикларнинг дастлабки маълумотларига қараганда, бу ноёб ер ости қазилма бойлигининг заҳираси катта ва ҳозирги замон металлургия заводлари учун тайёр хом ашёдир.

МАКАРОН ЦЕХИ ИШГА ТУШДИ

Қизилтепа район кооператив-тайёрлов ва савдо бирлашмаси ҳузурида макарон ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Ўнга яқин ёшлар меҳнат қилаётган бу цехда ҳар куни 220-250 килограмм атрофида харидоргир макарон ишлаб чиқарилмоқда.

Цех бошлиғи Ғайбулла Саъдуллаевнинг таъкидлашича, яқин орада цех кенгайтирилиб, қуввати икки баравар оширилади. Бу ерда консерва тайёрлаш цехи ҳам ишга туширилди. Айни пайтда унда ҳажми 2-3 литрлик банкаларга қадоқланган турли мева шарбатлари, компотлар, помидор салатлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ш. МУЗАФФАРОВ.

САЛОМАТ БЎЛИНГ!

Агар Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси ишчи-хизматчиси йил давомида касаллик варақаси очдирмаган бўлса, икки ойлик миқдорида мукофот пули оладиган бўлди.

— Ишчиларда ўз саломатлиги учун масъулият кучаяди, — дейди корхона касаба уюшмалари қўмитаси раиси У. Маҳмудов. — Яшириб нима қиламиз: айримлар номига касаллик варақаси олиб, шахсий ишлари билан шуғулланади.

Дарвоқе, фабрика «Сино—С» суғурта компанияси билан шартнома тузган. Ишчилар эҳтиёжига қараб Ҳамдўстлик мамлакатларидаги энг яхши касалхоналарда даволанишлари мумкин.

Т. ФАРМОНОВ.

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида улуғ олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказувчи республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисни ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Юбилейни байрам қилиш миллий ўзлиқни, маънавиятни тиклаш рамзига айланиши, буюк мутафаккир илмий ва маданий меросини тарғиб қилишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозимлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Мажлис қатнашчилари ҳукумат белгиламоқда ҳамда юбилейни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган Самарқанд, Бухоро, Ғиждувондаги Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига дахлдор меъморчилик обидаларини таъмирлашга доир тадбирларни амалга ошириш соҳасида бошланган ишларни таҳлил этдилар. Мирзо Улуғбек номидаги Халқаро мукофот ҳақида низом ишлаб чиқилди, унинг асарларини нашр этиш тараддуди кўрилмоқда, олимнинг ижодий меросини ўрганишга бағишланган халқаро анжуман ўтказиш режалаштирилмоқда. Тошкентда Мирзо Улуғбек ҳайкалини, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги фильмни яратиш иши давом этмоқда. Эсдалик нишони, почта маркаси, турли ёдгорликлар, бошқа буюмлар чиқариш белгиланмоқда. Кенгашда Мирзо Улуғбекнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссаси таъкидланди. Олим ва мутафаккирнинг 600 йиллиги байрами халқаро кўлам касб этиши лозим.

Ташкилот комитетининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев иштирок этдилар.

(ЎзА).

• Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?

НАЗОРАТНИНГ ЯГОНА ТИЗИМИ

Криловнинг бир масали бор: «Оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа» ҳақида. Аравани ҳар томонга тортади улар. Таассуфки, масалчи бугунги кунимизни чизиб қўйган бўлса. Назоратда ягона тизимнинг мақсади — кучларни бирлаштириш, турмуш аравасини илдам силжитиш эди.

— Шундай пайтлар бўладики, бирор бир корхона ёхуд ташкилот раҳбари текширувчиларнинг бир гуруҳини кузатиб қўйиб, бошқасини кутиб олади. Боши — ўн икки ой тафтишдан чиқмайди. Бундай текшир-текширлар ишга фақат ҳалал беради, — дейди республика Давлат назорати қўмитаси Қўқон шаҳар инспекциясининг давлат назоратчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Баҳодир Тўйчибоев. — Бунинг олдини олиш мақсадида мувофиқлаштирувчи марказ туздик. Ҳар йил бошида шаҳардаги барча текширув идораларининг иш режаларини сўраб оламиз. Текширувлар ўз ҳолича эмас, мувофиқлаштирилган тарзда комплекс ўтказилади.

Комплекс текширув ҳужжатлари нусхаси компьютерга жойланади. Бунинг учун махсус ахборот маркази тузилган. Марказда Президентимиз Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ҳам жамланади. Бу муҳим ҳужжатлар ижроси шаҳарнинг бирор бир ташкилотида қай даражада? Компьютер тугмачасини босамиз бас, саволларга лўнда жавоб топасиз. Таҳлил сабаб аниқ режа асосида ишлаш имкони туғиляпти. Ахборот марказидан нафақат қўқонликлар, балки атроф-туманлардаги Давлат назоратчилари ҳам фойдаланишяпти. Марказ тўғридан-тўғри кабель орқали Фарғона ва Тошкент билан боғланган. Бу жуда қисқа сонияларда юқори ташкилотлар билан маълумот алмашиш афзаллигини яратади.

— Мазкур тажрибани биз республикада биринчи бўлиб Қўқонда синовдан ўтказдик, — дейди Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ депутати Мираҳмад Мирқосимов.

Ягона тизим қандай тузилади? Йиғилганларни бу савол кўпроқ қизиқтирди. Қўқон шаҳар ҳокимлиги ва Давлат назорати шаҳар инспекцияси ҳамкорликда қарор қабул қилган, ишчи гуруҳлари тузилган. Улар таркибларига назоратчилардан ташқари шаҳар ҳокими ва унинг барча ўринбосарлари киради. Иш ўзаро тақсимланиб олинган. Мақсад битта — Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини ҳаётга татбиқ қилиш, иш бироз сусайган жойларда ёрдам кўрсатиш.

—Сир эмас, жойларда назоратчиларимизни савдодан, магазиндан чиқара олмай қолдик. Ё қиличини кўтариб боради, ё нияти бирор кимсанинг танобини тортиб қўйиш. Фармонлар ижросини назорат қилиш эса эсидан чиқади. Бунга чек қўйиш керак, — дейди М. Мирқосимов. — Ягона тизимнинг афзаллиги шундаки, у барча тоифадаги текширув идоралари фаолиятини мувофиқлаштиради. Прокуратура, ички ишлар, солиқ органлари ҳамкорликда ишлашига имкон туғилади. Шу кучларни бирлаштириш керак. Майли, бу уюшма қандай номланса ҳам бунинг аҳамияти йўқ.

Давлат назорати иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида у анча обрўй қозонди, нуфузли идора даражасига кўтарилди. Қўқонда ўтган республика семинари Давлат назорати ишидаги усул ва услубларни такомиллаштириш йўлидаги катта иш бўлди. Шу боис, ҳар хил, баъзан баҳсли фикрлар ҳам ўртага ташланди.

Назоратчиларни бирлаштириш ҳақида гап кетди. Бу кенгаш ягона тизимнинг юраги бўлади. Лекин тизимнинг тизгини кимнинг қўлида қолади? Бу масаланинг ўта нозик томони.

Семинарда мансаб эмас, иш талашайлик деган гап бир неча бор такрорланди. Афсуски, бизнинг маданиятимиз ҳали бу савияга етганч йўқ. Шу сабаб масалани қатъий ва кўндаланг қўйиш керак эди. Йиғинда баъзи бировлар назорат кенгашини бир киши — ҳоким бошқарсин деган фикрни ўртага ташлашди. Ҳатто кўпчилик хайриҳоҳлик билдириб, жим ўтиргани мени ҳайратга солди. Ҳокимият — ижро органи саналади. Қандай қилиб ижро ва назорат бир кишининг қўлида бўлсин. Бу мантиққа нафақат мантиққа, балки, Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Низомига зид-ку? Низомнинг IV-бандида назорат органларининг ваколатлари қуйидагича белгиланади: **«вазирликлар, идоралар, бошқарув ва ижроия ҳокимияти раҳбарлари томонидан қонун талаблари бузилаётганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига маълум қилиш, уларни жавобгарликка тортиш ҳақида таклиф киритиш».** Қайси бир раҳбар ўзи йўл қўйган хато учун ўзига жазо белгилайди?!

Ижро ва назоратни бир қўлда сақлаш — бу яккаҳокимликдир. Яккаҳокимлик эса нималарга олиб келаётганлигини кўриб турибмиз. Яқин фурсат ичида айрим ҳокимлар ишидаги нуқсонлар, суиистеъмолликлар очиб ташланди. Айни пайтда ҳокимият тепасида турган раҳбарлар орасида ҳам бундайлар йўқ, дея олмаймиз. Агар назорат органлари ҳокимиятга бўйсунмаганда бу каби нохуш ҳоллар рўй бермасмиди? Жиззах, Сурхондарё, Андижонда ўтказилган текшириш натижалари бизга сабоқ бўлиши керак.

Семинар ишида Фарғона вилояти ҳокими, Республика халқ депутати Мирзажон Исломов маъруза қилди..

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ўзбекистон—Россия

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Мустақил Ўзбекистон суверен давлат сифатида илк бор Россия Федерациясида ўзининг биринчи элчихонасини очди. Ҳадемай бу муҳим тарихий сана — мазкур элчихонанинг очилганига ҳам бир йил тўлади. Бу қисқа давр ичида озми-кўпми ҳар иккала буюк давлат — Ўзбекистон ва Россиянинг бир-бири билан кенг боғлайдиган, мавжуд алоқалар ва янги ҳамкорликларни йўлга қўйиш борасида бир талай амалий ишлар қилинди. Икки қадимий ўзбек ва рус халқларини янада яқинлаштириш, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш хусусида анча тадбирлар амалга оширилди. Бу ўринда 1992 йилнинг 9 майида Москвада Ўзбекистон ва Россия Президентлари Ислом Каримов ва Борис Ельцин ўртасида имзоланган давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги асосий Шартнома ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Аниқроғи ана шу муҳим тарихий ҳужжат ҳамда элчихона ташкил қилинган вақтдан бошлаб ҳар иккала давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий муносабатлар алоқа ва ҳамкорликлар янги босқичга кирди. Собиқ СССР давридаги бу икки иттифоқдош республика энди бир-бири билан ҳамкорлик ва муносабатларни янгича йўлга қўймоқда.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги давлатлараро муносабатлар дўстлик ва ҳамкорликни тартибга солиш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш, келгусида эса янги поғоналарга олиб чиқиш мақсадида бугунги кунгача ҳар иккала давлат ҳукуматлари ўртасида 30 га яқин муҳим тарихий ҳужжатлар, битимлар ва протоколлар имзоланиб, уларни ҳаётга фаол татбиқ этиш юзасидан амаллий чоралар кўрилмоқда. Мазкур ҳужжатларни бевосита бажарилишини таъминлашда, уларни ҳар томонлама бойитиш ва ҳар иккала халқ манфаатларига кенг татбиқ қилишда Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси раҳбарияти ва жамоаси амалга ошираётган ишлар талайгина.

Жумладан, элчихона очилганидан сўнг ўтган ўн бир ой мобайнида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик, иқтисодий алоқалар, маданий ва маънавий бойликларни кенг тарғиб этиш мақсадида бу ерда Россия ва чет эл матбуоти вакиллари иштирокида бир неча маротаба матбуот конференцияси, Россия ҳукумати раҳбарлари ҳамда Москвада жойлашган хорижий давлатлар элчихоналарининг бошлиқлари билан расмий қабуллар ўтказилди.

Бундан ташқари Москвада яшайдиган ўзбеклар ва ўзбекистонликлар ҳамда Россиянинг кўзга кўринган фан, маданият ва санъат арбоблари билан ҳам қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Яқинда элчихонада Россиянинг таниқли олимлари, фан ва маданият, санъат арбоблари иштирокида ўтказилган қабул юқоридаги фикрларимизга яна бир яқол мисолдир. Бу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси ва Халқаро ижодиёт академияси ташаббуси билан уюштирилди. Унга Халқаро ижодиёт академиясининг раҳбарлари, ҳақиқий аъзолари ҳамда Россиянинг бошқа таниқли ва кўзга кўринган фан, маданият ва санъат намоёндалари келдилар. Улар орасида академиклар мазкур Халқаро ижодиёт академиясининг Президенти Георгий Павлович Гладишев, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, асли самарқандлик Б. П. Жуков, С. П. Кулешов, А. А. Логинов, Метрополит Питирим, Н. Г. Басов, В. В. Сичев, машҳур санъаткор Иосиф Кобзон, халқаро мусиқа намоёндалари уюшмаси раиси, Россия ва Ўзбекистон жамияти раиси Ирина Архипова, халқаро эстрада санъати намоёндалари уюшмаси Президенти Маҳмуд Эсанбоев, Халқ артисти, бир қанча мукофотлар лауреати Наталья Сац, Россия фанлар академияси раисининг ўринбосари К. В. Фролов ва бошқа профессор-олимлар бор эдилар.

Бу маросимни элчи Юсуф Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, сўнгра сўзни Халқаро ижодиёт академияси президенти академик Г. Гладишевга берди. У ўз сўзида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги фан, маданият, санъат ва бошқа соҳалардаги мавжуд ҳамкорликка тўхталиб, Ўзбекистоннинг бугунги сиёсатига юқори баҳо берди. Ҳамкорлик ва илмфан соҳасида академия томонидан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйишни таклиф этди. Маросим давомида юқорида тилга олинган академиклар ва санъаткорларнинг кўпчилиги сўзга чиқиб республикамиз раҳбарлари шаънига илиқ ва самимий дил сўзларини айтдилар.

Фахриддин ПАРПИЕВ,
Москва шаҳри.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ХЎЖАМҚУЛОВ — КЕНГАШ КОТИБИ

Халқ демократик партияси Шўрчи туман кенгашининг пленуми биринчи котиб Омон Бекмуродовнинг ҳоҳиш-иродасини бажо келтирди — бошқа ишга ўтгани муносабати билан лавозимидан озод этди.

Бекмуродовни ҳеч ким, ташкилотчилиги йўқ одам эди, деб айта олмайди. Кўп йиллар тумандаги «Коммуна» жамоа хўжалигига раислик қилди. У раис бўлганда «Коммуна» илғор хўжаликка айланди. Лекин, қанча уринмасин — партия котиблигига сингишмади. Ва охири: эй биродарлар, ҳар ким ўзининг овози тушадиган қўшиқни айтсин, деди.

Энди биринчи котибликка ҳам «овози тушадиган» одам топилмай қолмади. Райён ҳокимлигининг масъул ходими Менгали Хўжамқулов чайналиб ўтирмади. Ишонсанглар, лозим топсанглар, ишлаганим бўлсин, деди.

Менгалибой деганимиз туманда Бекмуродовчалик таниқли эмас. Ёши ўттиз бешлар атрофида бўлса ҳам, номини танишлари «ёшлар» қаторига қўшиб гапиришади. «Простойгина жигит» дейишади. Энди бу таърифга мен ўзимнинг билганларимни қўшиб шундай дейман: Хўжамқулов — хотираси зўр одам. Бошқасини билмадиму, Президентимизнинг фармонларини номма-ном, ҳисоб-рақамларни адаштирмай айтиб бера олади. Гапнинг эга-кесимини жойига қўйиб, тутилмасдан, суринмасдан гапиради. Равон услубда ёзади. Қоғозга битган нутқи ёки маърузаси малака билан ёзилган мақолага ўхшаб кетади. Самимийликни ҳуш кўради.

«Аввал иқтисод...» — дедию Хўжамқулов котибликка сайлангандан кенгашнинг сармоясини суриштирди. Бир ғайрат қилган эди, икки кун ичида юз минг сўмга яқин аъзолик бадали ундди.

Ва ўша дамнинг ўзида кенгаш ходимларининг ойлик маошини икки баравар оширишга келишиб олдилар.

Т. Бердиев номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Мардон Абдираҳимов хўжаликда газлаштириш ва аҳолини ичимлик сув билан таъминлашнинг аҳволини ўрганиш бўйича кенгашдан топшириқ олди. Бу ҳақда кенгашга ахборот қилди. Кенгаш шу масала юзасидан қарор қабул қилди. Пировардида партия аъзоларининг бу ишга масъулияти оширилди. Кейинги йиғилишларининг бирида қишлоқда фермер хўжаликларнинг ишлари таҳлил этилди. Шу тариқа Президент фармонлари ва республика Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг жойларда қандай бажарилаётгани партия фаоллари томонидан назоратга олина бошланди.

Биринчи котиб вақт топиб Шўрчи шаҳри фуқароси А. Ҳасановнинг хонадонида бўлди. Абдулла бобо — ёши етмишлардан ошган ногирон киши. Бунинг устига ўғли сафарда автомобил фалокатига учраган. Котиб у киши билан шошилмасдан гурунглашди. Биздан нима ёрдам керак, деб сўради.

Шунда Абдулла бобо ўктам гапирди. Биз партиядошмиз, ўғлим. Кўнглимни сўраб келдинг, бизга бундан зиёда мукофот йўқ. Шундай. Борларингни, ишлаётганларингни билдириб турингилар. Эл билан бўлинглар деди.

Тасодифни қарангки, партиянинг кекса аъзоси Н. Холматовга моддий ёрдам таклиф қилинганда, у ҳам Абдулла бобонинг гапларини такрорлади.

Элдаги гап ерда қолармиди, дейсиз. Бу гаплар, партия бизга нима бераяпти, деб юрганларга дакки бўлди.

Партия аъзолари ўртасида ишсиз юрганлар бор экан. Биринчи котиб уларни йўқлаштириб топди. Гаплашди. Ишга жойлаштиришга кўмаклашди. Партия котиблари ўртасида аъзоларнинг қанчалигини билмайдиганлари ҳам бор экан. Биринчи котиб ишни ўшанақа котибларнинг жамоадаги мавқеини яхшилаш, обрўсини кўтаришдан бошлади. Сўнг талаб қўйди. Агар ишни эплай билмасангиз, ташкилотчиликка уқувсиз одам сифатида сизни ишдан бўшатамиз, дейишгача бориб етди.

Яхши ишлаётган котибларни эса рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Кўрибсизки, Хўжамқуловнинг арофидагилар теран фикрлай бошладилар. Қарасаларки, иш бошдан ошиб-тошиб ётипти. Фақат бир нарса: қўл қовуштириб ўтирмаслик керак. Олма пишсаю, оғзимга тушса, деб хом ҳаёлга берилмаслик керак. Дарвоқе, Менгали Хўжамқуловнинг ғайратини, сухандонлигини, фикрлаш тарзини кўрган одам ҳаёлпарастлик балосидан бир қадар фориғ тортади ўзини.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Нурота район кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ўртоқ М. Хўжанов вилоят ҳокимининг маъмурий органлар билан ишлаш бўлимининг мудири этиб тайинланганлиги муносабати билан кенгаш биринчи котиблиги ва бюро аъзолигидан озод қилинди. Илгари кенгашнинг ташкилий бўлими мудири бўлиб ишлаб келаётган Б. Жумаев кенгаш биринчи котиби этиб сайланди. Шунингдек, кенгашнинг партия ташкилотчиси бўлиб ишлаб келаётган Ш. Зокиров район кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

СУРХОНДАРЁ. ЎзХДП Қизириқ тумани кенгаши ижроия бюроси йиғилишида «Туман ҳудудида экология вазиятининг аҳволи ва бу борада бошланғич партия ташкилотлари ҳамда бошқарув идораларининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Туман ҳудудидаги 27201 гектар ер майдонидан 12330 гектари ўртача, 790 гектари эса кучли шўрланган. Кўплаб зовурлар атрофида туproқ эрозияси кенгайиб бормоқда. Ёпиқ зовурларнинг 30 фоизи ёки 370 километри ишламасдан қолган.

— Партия кенгаши бу масалани чуқур ўрганиб, бонг ураётганлиги ҳаммамизни ҳушёр торттириши керак, — деди туман ҳокими Р. Шоимов. — Агар шошилинч чоралар кўрилмас экан, экинзорларнинг ишдан чиқиб қолаётгани учун эртага халқ олдида юзимиз шувут бўлади.

Ижроия бюро экологик хавфни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ч. АЛИМОВ,
район кенгаши котиби.

• БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

АЛЛОМА ДАҲОСИГА ТАЪЗИМ

Бухоро вилояти жамоатчилиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида»ги қарорини қизғин қўллаб-қувватлаб, кутиб олди. Қисқа вақт мобайнида бу соҳада кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилди.

Асосий куч ва имкониятлар биринчи навбатда алломанинг Когон тумани Қасри Орифон қишлоғидаги мақбара ёдгорлиги мажмуасини таъмирлаш ишларига сафарбар этилди. Мазкур меъморлик обидасида маблағ тақчиллиги оқибатида таъмирлаш ишлари узоқ йиллардан буён чўзилиб келмоқда эди.

Республика ҳукуматининг қарорига биноан бу ишларга 25 миллион сўм маблағ ажратилди. Меъмор илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бухоролик моҳир усталари, бир қатор кооперативлардаги таъмирловчилар ёрдамида ансамбль таркибига кирадиган хонақо, мадраса, дахма ва яна бир қатор иншоотларда қайта тиклаш ишлари жадал суръатда бажариляпти. Ҳазратнинг волидалари, устозлари Сайид Мир Кулол мақбаралари ораста аҳволга келтирилди.

Мақбара ёдгорлик иншоотлари атрофини, Қасри Орифон қишлоғини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан муҳим тадбирлар бажарилди. Чунончи, ариқлар бетонлаштирилди, ичимлик суви, электр, газ тармоқлари ўтказилди.

Ҳазрат мақбарасини зиёрат қилиш учун келаётганларга намунали хизмат кўрсатиш мақсадида савдо маркази, кўплаб дўконлар, ошхона ва чойхоналар, автобус бекатлари ва бошқа иншоотлар барпо қилинмоқда. Уларнинг бир қисми фойдаланишга топширилди. Ҳозиргача бу ишларга 70 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф этилди.

Вилоятдаги бир қатор меҳнат жамоаларининг ташаббуси билан шу йил 13—14 март кунлари ҳамма жойда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ ҳашари ўтказилиб, унда ишлаб топилган маблағларнинг ўн миллион сўми Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини таъмирлаш ишига сафарбар этилди.

Ҳокимлик томонидан ташкил этилган илмий сайёр гуруҳи таркибига олимлар, ёзувчилар, журналистлар кирди. Уларнинг куч-қайрати билан Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларидаги 40 га яқин ҳазрат қадамжолари аниқланиб, обидаларни таъмирлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимларининг тегишли қарорлари қабул қилинди. Ҳар бир ёдгорликни таъмир этишни муайян меҳнат жамоаси ўз зиммасига олган.

Айни пайтда илмий экспедиция аъзолари Шофиркон ва Вобкент районларидаги қишлоқларда шундай қадамжоларни аниқлашмоқда. Уларни таъмирлаш билан бир қаторда тарихини қайта тиклаш тадбирлари кўрилаяпти.

Вилоят рўзномалари, маҳаллий радио эшиттиришларида юбилейга, ҳазрат хотирасига бағишланган материаллар мунтазам ёритиб борилмоқда. «Интерагро» уюшмаси ҳомийлиги остида таниқли режиссёр Шуҳрат Маҳмудов Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисидаги ҳужжатли фильмни суратга олишга киришди.

Меҳнат жамоалари ва олий, ўрта махсус ўқув юртларида нақшбандийхонликлар ўтказилаяпти. Республика ҳукуматига Бухоро давлат дорилфунунида дин тарихи бўлимини очиш юзасидан таклиф киритилди.

«Навқирон Бухоро» гуманитар-тадқиқотлар марказининг олимлари Абдураҳмон Жомий, Фахриддин Али Сафий каби алломаларнинг нақшбандийлик тариқати тўғрисидаги асарларидан парчаларни ўзбек тилига таржима қилиб, чоп этишга тайёрлашмоқда. Бухоролик шоир ва олим Садриддин Салим Бухорийнинг «Ҳазрати Нақшбанд» рисоласи Ғафур Ғулом нашриётига топширилди.

Ўмуман, юбилей кунлари яқинлашар экан, унга ҳозирлик ишлари ҳам тобора қизитилаяпти. Бироқ, қурилиш материаллари нархининг тобора ошиб бориши, уларнинг тақчиллиги йўлимизга тўғаноқ бўлаяпти. Бунинг устига айрим мутасаддилар зиммага олган мажбуриятларини бажаришга шошилишмаяпти.

Чунончи, Моваройнаҳр мусулмонлари идораси бу хайрли ишга ҳисса қўшиш ниятида мақбара ёдгорлигига алоқадор бир қатор таъмирлаш ва қурилиш ишларини ўз зиммасига олган эди. Аммо тегишли лойиҳасмета ҳужжатлари тақдим этилганига анча бўлишига қарамай ишда ижобий силжишлар юз бермаяпти.

Баҳоуддин Нақшбанд ва Бухоро даврий календарлари, юбилей тантаналари учун эсдалик папка ва блокнотлар, анжуманнинг кўкрак нишонини тайёрлаши лозим бўлган «Тумор—М» Ўзбекистон — Олмония қўшма корхонаси моддий қийинчиликлар туфайли ўз фаолиятини сусайтиргани танг вазиятни вужудга келтирмоқда.

Хорижий меҳмонлар мақбарани зиёрат қилар экан, уни таъмирлашга катта маблағларни ҳадя этмоқдалар. Жумладан, Туркия Президенти Турғут Ўзол ва Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовга ҳамроҳ бўлиб Бухорога ташриф буюрган бир гуруҳ қардош халқ тадбиркорлари бу хайрли ишга 45 минг доллар маблағни ҳадя этишди. Бундай хайриялар умумий ишимизга мадад бўлаяпти.

Баҳоуддин Нақшбанд Ислом дунёсининг таниқли алломаларидан биридир. Ҳазратнинг юбилейига ўнлаб хориж мамлакатларидан вакиллар келиши, тантаналарда ўн минглаб зиёратчилар қатнашиши шубҳасиздир. Шундай экан, вилоят ҳокимлиги кенг жамоатчиликка таяниб бу тантаналарни юксак савияда ўтказиш учун барча тадбирларни кўради.

А. ХАЛИЛОВ,
Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари.

«КЕЛАЖАК ТАҚДИРИ ҚЎЛИМИЗДА»

Яқинда Ўзбекистон ХДП Хатирчи район кенгашининг мажлислар залида ўтказилган давра суҳбати асосан шу мавзуга бағишланди. Тўпланганлар жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласини кенг муҳокама қилишди.

Уруш ва меҳнат фахрийси Э. Асқаров, район марказий касалхонаси бош ҳакими, Ўзбекистон халқ депутати Т. Қурбонниёзов, Амир Темур номли жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг муовини М. Санақулов, район ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Олимов ва бошқалар рисола хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришар экан, юртбошимизнинг Ўзбекистон эртаси учун қўлидан келадиган ҳамма ишни қилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Мазкур рисола райондаги бошқа қатор бошланғич партия ташкилотларида ҳам кенг муҳокама қилиниб, у келгуси ишлар, режалар учун дастурий мезон эканлиги таъкидланди.

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Президентимизнинг одил сиёсати ва ғамхўрликлари туфайли жумҳурият ёш ижодкорларига қатор қулайликлар яратилди. Ҳозир жойларда ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатларида ижодкорлар бу ғамхўрликдан чексиз миннатдор эканликларини изҳор этишмоқда.

Яқинда Навоий районида ана шундай учрашувлардан бири ўтказилди. Ўзбекистон ХДП район кенгаши фаоллари билан ёш ижодкорларнинг бу учрашувида асосан миллий қадрият ва анъаналар, мустақил юрт истиқлоли учун қилиниши керак бўлган ишлар, ижодкор ёшларнинг вазифалари хусусида фикр алмашишлар, баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтди. Ёшлар билан ўтказилган учрашувда ХДП район кенгашининг биринчи котиби М. Адизова «Мустақиллик йўлидаги ҳамжиҳатлик» мавзуида маъруза қилди. Маърузачи асосан маънавият, ёшлар баркамоллиги, истиқлол мафкураси хусусида тўхталди. Маъруза юзасидан бўлган музокараларда бир қатор ёш ижодкорлари ўз мулоҳаза ва таклифлари билан чиқишди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ИЖАРАЧИЛАР ШИЖОАТИ

Агар чуқурроқ разм солсангиз ҳар бир элнинг ўзига хос жиҳатлари, ажралиб турадиган фазилатлари бўлади. Халқимизда каттага ҳурмат, унинг йўл-йўриқларига қулоқ тутиш азалий одат. Бу итоаттўйлик эмас. Аслида кўпни кўрган, ҳаётни таниган, билимли, оқил одамларга эргашиш, ундан ўрганиш ҳам фазилат.

Ақлли, ҳалол меҳнаткаш одам ҳеч қачон ўз фарзандлари, қариндош уруғлари, дўстларини ёмон йўлга бошламайди. Фақат касбга, меҳнатга, эзгуликка ўргатади. Меҳнат қилган элда азиз, деганларидек ҳалол тер тўкканнинг доимо ошиғи олчи бўлаверади.

Дўстлик туманидаги Мамажон Дадажонов номли давлат хўжалигида меҳнат қилаётган Шоймардоновлар сулоласи ҳақида эшитганимда юқоридаги фикрлар ёдимга келди.

Хайрулла ака асли форишлик. Қора Абдал қишлоғидан. Ёшлигидан яйловларда от миниб, мол боқиб ўсди. Курашлар тушиб, полвон лақабини олган. Шунинг учун ҳам уни Хайрулла полвон демаса, айримлар яхши танимаслиги мумкин.

Нима бўлди-ю чорва боқиб юрган Хайрулла полвоннинг деҳқончиликка меҳри тушиб қолди. Тоғ ҳавосию ёғ-гўшт, қимиз, сутни ташлаб чўлга келди.

Мана шунга ҳам ўттиз йилдан ошибди. Ишни оддий ишчиликдан бошлаган чўлқувар ғайрати, шижоати, меҳнати билан обрў топди. Даставвал звенога, кейин бригадага, сўнгра бўлимга бошчилик қилди.

Унинг обрў-эътиборини кўрган, сўзларини тинглаган ака-укалари ҳам чўлга кўчиб келишди. Бу орада фарзандлари ўсиб-улғайишди. Ҳозир Жиззах вилоятида Хайрулла полвон Шоймардонов ва унинг қариндош-уруғлари, ўғил-қизларини танимаган одам йўқ. Биргина Мамажон Дадажонов номли давлат хўжалигида ўн олти нафар ота-бола, ака-ука Шоймардоновлар меҳнат қилишади.

Хўжалик ҳисобчиларининг айтишича, уларнинг ҳар бири ҳалол меҳнат қилиб, йилига ўртача 30 тоннадан 50 тоннагача пахта етиштиришмоқда. Буларнинг ҳаммаси катта дарға Хайрулла Шоймардоновнинг шахсий ибрати-ю йўл-йўриғи, қоларверса, кичикларнинг улуғига меҳр-муҳаббати, яхши йўлига юриши, уруғ-аймоқларнинг аҳиллиги самараси.

Аҳиллик бор жойда эса барака бўлади. Биз Хайрулла ака бош бўлган ширкат пайкалларида бўлганимизда буни яққол ҳис қилдик.

Хайрулла Шоймардонов бошлиқ ширкат 450 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Айни пайтда ғўзалар бир текис гуллаб, кўсаклай бошлади. Пахтакорлар ҳар гектар ердан режадаги 26 ўрнига 30 центнердан чўл дурдонаси етиштиришни кўзлаямоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, чўлда меҳнат қилаётган Шоймардоновларнинг ҳар бири бир неча касбнинг эгаси. Зарур бўлса трактор рулига ўтиришади, керак пайтида сувчилик қилишади. Омилкорликлари туфайли улар кам бўлишмаяпти.

Меҳнатнинг таги роҳат деганларидек, ҳалол меҳнат қилиб фаровон яшамоқдалар. Замонавий уйлар қуришган. Мева-сабзавот томорқадан чиқади. Бозордан гўшт, сут сотиб олишмайди.

Ҳа, инсон чўлни бўйсундиради, чўл эса саҳоватли инсонни улуғлайди. Буни меҳнатидан барака топган, эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, халққа насиба улашаётган Шоймардоновлар фаолиятидан ҳам билса бўлади.

К. РИХСИЕВ.

СУРАТДА: пахтакор Шоймардоновлардан бир гуруҳи.

К. ЖУРАҚУЛОВ олган сурат.

• Бетга айтганнинг заҳри йўқ

ЙИГИТНИНГ САЗАСИ ЎЛМАСИН...

Очиғи, бозор иқтисоднёти меҳнаткаш халқни синовдан ўтказяпти. Шундай пайтда қўлидан иш келадиган йигитлар юрт оғирини енгил қилишга интилиши табиий. Муҳарририятимизга хат йўллаган Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидан Н. Маҳкамов юрт бошига қийинчилик тушганда бир ишнинг бошини тутолмай юрганлигини афсус билан ёзади.

«Мен 1992 йил Каттақўрғон шаҳридаги режа-иқтисод техникумини тамомлаганимдан бери иш қидириб бормаган ерим қолмади. Ниҳоят, хусусий корхона очишга қарор қилдим. Мақсадим деҳқончилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланиш эди. Саккиз ой деганда корхонани очиб тумандаги О. Маҳмудов номли жамоа хўжалигига ер сўраб бордим. Хўжалик раҳбари аризамга қўл қўйиб берди. Аммо ер беришни беш ой пайсалга солиб келди. Ҳадеганда иш чиқавермагач, туман ҳокимиятига учрашдим. У ердагилар бу масалани «жамоа хўжалиги ҳал қилади» деб қайтариб юборишди. Мана 8 ойдан бери сансалорлик оқибатида кўпчиликка нафи тегадиган ишни бошлай олмай юрибман. Бир томони хусусий корхона учун маблағни ҳам сарф қилганман. Харажатни энди ким қоплайди?».

Кўриниб турибдики, хат муаллифи ҳаётимизда урф бўлиб бораётган ўз корхонасини очишдек хайрли ишга қўл урган. Бироқ, афсуски янгилик тўсиққа учраб, иш жойидан силжимай турибди. Аслида аҳолига деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириб беришга ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилган ишбилармон кишиларга кўмак бериш ҳаммамизнинг бурчимиз эмасми?

З. ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ТИЛГА ЭЪТИБОР—ЭЛГА ЭЪТИБОР

АТАМАЛАР ТАРТИБГА СОЛИНМОҚДА

Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач атамалар ҳар хиллиги, чалкашлиги кўпчиликда ташвиш уйғотганди. Битта тушунчани ифодалайдиган бир қанча атамалар пайдо бўлганди. Бундан ташқари, тилимизда қўлланиб келаётган, унга сингиб кетган атамалар ўрнига сунъий ясалган, илгари учрамаган арабча-форсча сўзлар ҳам қўллана бошланди. Ҳозир матбуотга назар солсангиз, атамалар қўлланиши маълум тизимга солинаётгандек кўринмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосари, филология фанлари номзоди Ҳабибулла БЕКТЕМИРОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Атамашунослик қўмитаси олиб бораётган ишлар ҳақида газетхонларга бироз тушунча берсангиз.

— Атамақўм ўз Низомида кўзда тутилган вазифалар— атамаларни тартибга солиш, русча-байналмилал ўзлашмаларга ўзбекча муқобиллар танлашни бошқариш, илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атама луғатларини яратиш, уларни муҳокамадан ўтказиб, нашрга тавсия этиш, шунингдек, давлат тили ҳақидаги қонун ижросини ўрганиш, тасдиқланган атамаларни назорат қилиш бўйича иш олиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Атамақўм қошида жамоатчилик асосида ишлайдиган 12 та бўлим, 9 та шўъба тузилган. Уларга атоқли фан арбоблари — академиклар, ЎзФА мухбир аъзолари ҳамда фан докторлари раҳбарлик қилмоқдалар.

— Русча-байналмилал ўзлашмаларга ўзбекча муқобиллар танлаш ҳақида гапирдингиз. Бу муаммо қандай ҳал этилмоқда?

— Бу жуда мураккаб ва айни замонда долзарб масала. Сизга маълум, етмиш йиллик қатағонлик даври умуман маданиятимиз, адабиётимиз, шунингдек, тилимизга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, 30-йиллардан бошлаб ўзбек тилидаги қадимдан қўлланиб келинган сўзларимиз, атамаларимиз қисиб чиқарилиб, унинг ўрнига русча-оврупоча сўзлар кириб кела бошлади. Тилимиздаги кўплаб атамалар эскирган сўзлар деган тамғалар билан истеъмолдан чиқарилди.

Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингач адиблар, олимлар, журналистлар, умуман зиёлиларнинг ҳаракатлари билан русча-байналмилал ўзлашмаларга ўзбекча муқобиллар топиш бошланди Бу хайрли иш туфайли тилимизга асоссиз кириб қолган кўплаб сўзлар ўрнига ўзбекчалари топилди, қатағон йилларида истеъмолдан чиқиб кетганлари тикланди. Бироқ барибир айрим ҳолларда меъёр бузилди. Она тилимиз имкониятларидан келиб чиқиб эмас, балки илгари тилимизда ишлатилмаган арабча-форсча сўзлар русча-байналмилал ўзлашмаларга муқобил тарзида киритила бошланди: ноҳия, олийгоҳ, тайёргоҳ, рўзнома байтул ҳикмат (академия маъносида), куллиёт каби. Атамақўм ҳар хиллик ва чалкашликларга барҳам бериш мақсадида русча-байналмилал ўзлашмаларнинг ўзбекча муқобилларини танлаш асосларини ишлаб чиқди. Унинг лойиҳасини Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институти директори, қўмита тилшунослик атамалари бўлимининг раҳбари Азим Ҳожиев тайёрлади. Бундан ташқари, русча-байналмилал ўзлашмаларга ўзбекча муқобил танлашдек мураккаб масалани жамоатчилик билан бамаслаҳат ҳал этишда «Ўзбекистон овози» анча ёрдам берди. Унда русча-байналмилал атамалар ва уларга тавсия этилган ўзбекча муқобиллар бир неча бор эълон қилинди. Муқобил танлашда газетхонларнинг фикри ҳам ҳал қилувчи омил бўлди.

Газетхонларнинг таклиф-мулоҳазалари билан бойитилган асослар Атамақўм тавсия этгач, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича комиссия мажлисида қабул қилинди.

— Лекин баъзи тилшунос олимлар ҳануз принципларни ишлаб чиқиш керак, деб айтмоқдалар-ку?! Бунга нима дея оласиз?

— Биз ҳам шунга ҳайронмиз. Нашр этаётган «Ахборотимиз» ҳаммага етиб бормаётган бўлса керак. Шунинг учун у яқинда «Халқ сўзи» газетасида қўмита раиси О. Ёқубов кириш сўзи билан эълон қилинди. «Русча-байналмилал ўзлашмаларнинг ўзбекча муқобилларини танлаш принциплари»нинг айрим бандлари баёнини берсам тузук бўлар: «Илгари ўзбек тилида қўлланилган ва нарса-ҳодисани, у ҳақдаги тушунчани тўғри ифодалаган сўзлар, ҳеч қандай эҳтиёжсиз, рус тилидаги сўзлар билан алмаштирилган бўлса, бундай сўзлар яна ўз ўрнига тикланиши керак». Масалан, зиёли, бекат, рисола каби кўплаб сўзларнинг шунмайдиган сўзлар билан алмаштиришга уриниш тилга, унинг истеъмолчисига зарардан бошқа нарса келтирмайди: институт, факультет, газета сўзларини бошқа сўзлар билан алмаштиришга уриниш бунга мисол бўлолади».

Шу тариқа русча-байналмилал ўзлашмаларга ўзбекча муқобил танлашда муайян меъёр белгилаб берилган. Албатта, бу принциплар туфайли ҳамма муаммо ҳал этилди, деган фикрдан йироқмиз. Лекин унинг ҳозирги кунда бу мураккаб масалани ечишга ижобий таъсири сезиларли бўлмоқда.

— Ҳукумат тил комиссиясида тасдиқланган атамалар қўлланиши ҳамма учун мажбуриймми? Бу Комиссияда қандай атамалар тасдиқланади?

— Аввало шуни айтиш керакки, ҳукумат тил комиссиясида луғат бойлигимиздаги барча атамалар эмас, балки иш қоғозлари, муҳрларда акс этадиган, давлат ва бошқарув идоралари, маъмурий-ҳудудий бирликлар номланишларида қўлланадиган, умумхалқ истеъмолида тез-тез учрайдиган ҳамда кейинги пайтларда ҳар хил ишлатилаётган атамаларгина муҳокама этилади ва тасдиқланади. Қабул қилинган атамалар дарсликлар, расмий хабарлар, иш қоғозлари, пешлавҳалар, муҳрларда айнан берилиши керак. Бадиий адабиёт, публицистика оммабоп нашрларда эса расмий атама сифатида қўлланилиши жуда ўринлидир. «Тушунчани аниқ ва тўғри ифодалай оладиган сўз тилимизда бўлгани ҳолда ёки шундай сўзни ясаш имкони борлигида уни ифодалаш учун рус тилидаги сўз қабул қилинаверган бўлса, улар ҳам ўзбекчаси билан алмаштирилиши керак». Масалан, союз, совет, фактор, процесс, состав каби сўзлар ўрнида уюшма, кенгаш, омил, жараён, таркиб сўзларини қўллашга (улар билан алмаштиришга) ҳеч қандай эътироз бўлмаса керак... Ёки «... рус тили орқали олиниб ўзбек тилининг ўз материалига (мулкига) айланиб кетган, нарса-ҳодисани тўғри, аниқ ифодалай олмайдиган, кўпчилик ёки деярли ҳамма тушунмайдиган сўзлар билан алмаштиришга уриниш тилга, унинг истеъмолчисига зарардан бошқа нарса келтирмайди: институт, факультет, газета сўзларини бошқа сўзлар билан алмаштиришга уриниш бунга мисол бўлолади».

Шу тариқа русча-байналмилал ўзлашмаларга ўзбекча муқобил танлашда муайян меъёр белгилаб берилган. Албатта, бу принциплар туфайли ҳамма муаммо ҳал этилди, деган фикрдан йироқмиз. Лекин унинг ҳозирги кунда бу мураккаб масалани ечишга ижобий таъсири сезиларли бўлмоқда.

— Ҳукумат тил комиссиясида тасдиқланган атамалар қўлланиши ҳамма учун мажбуриймми? Бу Комиссияда қандай атамалар тасдиқланади?

— Аввало шуни айтиш керакки, ҳукумат тил комиссиясида луғат бойлигимиздаги барча атамалар эмас, балки иш қоғозлари, муҳрларда акс этадиган, давлат ва бошқарув идоралари, маъмурий-ҳудудий бирликлар номланишларида қўлланадиган, умумхалқ истеъмолида тез-тез учрайдиган ҳамда кейинги пайтларда ҳар хил ишлатилаётган атамаларгина муҳокама этилади ва тасдиқланади. Қабул қилинган атамалар дарсликлар, расмий хабарлар, иш қоғозлари, пешлавҳалар, муҳрларда айнан берилиши керак. Бадиий адабиёт, публицистика оммабоп нашрларда эса расмий атама сифатида фойдаланилаверилади. Атамаларнинг асосий қисми — илм-фанда, турли касб-ҳунар соҳаларида ишлатиладиганлари эса Атамашунослик қўмитасининг соҳалар бўйича бўлим ва шўъбаларида муҳокама этилиб, тасдиқланади ва қўмита тавсияси билан нашр этилаётган атама луғатларига киритилиб боради.

— Атамашунослик қўмитаси олдида қандай муаммолар бор?

— Муаммоларимиз ҳам, олдимизда турган ишларимиз ҳам кўп. Атамалар тартибга солиб турилишини эслатгандик. Илм-фан атамаларининг асосий қисми нашр этиладиган луғатлар орқали истеъмолга киритилади. Атамақўм бўлимларида бу борада катта ишлар олиб борилмоқда: русча-ўзбекча атама луғатлари тайёрланмоқда, турли илмий муассасалар, олий ўқув юртларида тайёрланган луғатларни муҳокамадан ўтказиб, нашрга тавсия этилмоқда. Кейинги бир икки йил ичида фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб луғатлар нашрга тавсия этилди. Бироқ ҳозирги бозор иқтисодиёти, қоғоз танқислиги туфайли бу луғатлар нашриётларда туриб қолмоқда. Натижада йирик олимлар, мутахассисларнинг меҳнати самар турибди. Шуни ҳисоба олиб, ҳозир Атамақўм энг муҳим атамаларни ўз ичига олган кичик ҳажмли луғатларни нашр этишни режалаштирди. Бу йил турли фан соҳалари бўйича ўнта ана шундай кичик ҳажмли луғат нашр этилади. Бу ишларга қоғоз ва маблағ топишда турли корхона ва жамғармалар ҳомийлик қилмоқда. Лекин кичик ҳажмли атамалуғатлари муайян соҳанинг барча атамаларини ўз ичига олган мукаммал луғатлар ўрнини боса олмайди, албатта. Шунинг учун уларни нашр этиш масаласи кун тартибида турибди.

Яна бир муаммо — бу ҳукумат тил комиссиясида тасдиқланган атамаларга риоя қилиш масаласи. Комиссиянинг қарорига қарамасдан ҳануз айрим расмий атамалар газеталарда, журналларда, телекўрсатувларда турлича қўлланилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Атамақўм Низомида барча атамалар луғатлари Атамақўм бўлимларида кўриб чиқилиши ва қўмита тавсияси билан нашр этилиши керак. Бунга давлат нашриётлари амал қилмоқда. Бироқ айрим кооператив нашриётлари ҳамда нашр ҳуқуқига эга бўлган муассасалар етарли эътибор бермаяптилар. Ҳозир Атамақўм бундай камчиликларнинг олдини олиш тадбирларини белгиламоқда.

Суҳбатдош
Ҳ. ЭРМАТОВ.

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА

МИРЗАЧЎЛ БОҒЛАРИ

Бу ҳақда гап очилганида, беихтиёр Чўл ва Боғ икки қутб орасидаги қарама-қарши фикрлар хаёлга келади. Чўл қаёқдаю, Боғ қаёқда. Лекин инсон заковати билан чўл қўйнида барқ урган боғларни кўрганингда, ўзингни бошқача ҳис қиласан, тасаввурингдаги Чўлга оид маҳобат аста-секин йўқолиб, не-не машаққатлар эвазига барпо бўлган боғларга нисбатан меҳринг товланиб кетади.

Бепоён чўлдаги ҳар бир дарахтда инсон тақдири мужассам. Шу тақдир уни чўл қўйнида бунёд этди. Шу туфайли ям-яшил дарахтлар инсон меҳнати ҳақида қўшиқ айтади.

Кўкламда, ҳали далалар яйдоқ пайтларида чўлга келган одам нигоҳига илк бор ташланадигани — шу яшиллик ороллари. Аслида чўлга баҳор кеч келади, деганларида ҳали кесаклар орасида қаддини ростлаб олмаган ғўзалар, яшилланмаган далалар назарда тутилади. Ўша лаҳзаларда кўм-кўк бўлиб турган боғлар, йўллар четидаги кумушранг япроқли адл тераклар кўзингизни яшнатиши, баҳордан яшил мужда олиб келган чопарлардай бўлиб туюлиши, шубҳасиз...

Меҳнатобод туманидаги Ғанишер Юнусов номли ширкат хўжалиги боғига олиб борадиган йўлнинг икки четкасидаги мағрур кўктераклар сафланиб турган бўз йигитларни эслатади. Хўжалик ташкил этилгандан кейинги биринчи баҳорда экилган қаламчалар бугун Баландчақир қишлоғидаги адл тераклари эслатиб турибди. Тоғ қишлоғидан келтирилган бу қаламчалар хўжалик тупроғига қадалган дастлабки ниҳоллар экани, баландчақирликлар каби улар ҳам чўл заминида улғайгани, камол топгани кўнгилларни ҳаяжонга солади, ўзининг хотирасини шу дарахтлар тимсолида чўл заминига экиб кетишганидан огоҳ этади. Бу дарахтлар «кўзи» ўнгида неча қувончли кунлар содир бўлмаган дейсиз.

Сўлим боғ оғушидаги тепаликда қурилган шийпонда арча ва чинор дарахтлари соя ташлаб турибди. Атиргуллар шийпонга ўзгача тароват ато этган. Сўрилларга кўтарилган токлар қаторидаги бир туп ҳусайни эса ўзининг алоҳида тарихи билан фахрланиб ўсади. Унинг тагидаги тахтачада қуйидаги сўзлар бор: «Бу токни адиб Ш. Р. Рашидов эккан. 1977 йил. июнь».

Бу ёзув олдида бир зум ўйга чўмасан, киши. Чўлдаги ҳар бир хўжаликни яхши билган, уларнинг равнақ топиши учун ҳаракат қилган республика раҳбари шу шийпонда ҳам бўлган, бу хўжаликларнинг аста-секин оёққа туриб, халқ учун хизмат қилишга ишонган эди. Зеро, бугун мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир пахтакори, боғбони, чорвадори ўзининг фидойи ва ҳалол меҳнати билан шу мустақилликни мустаҳкамлаш, республика иқтисодиётини бақувват ва барқарор қилиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Ҳар туп дарахт, ҳар туп ниҳол бу эзгу мақсадга сафарбар. Бу кунларга келгунча қанча машаққатли қишлар ўтмади, дейсиз.

Меҳнатобод туманидаги хўжаликлар замини ўта шўрланган, гипс қатламли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Мирзачўлни ўзлаштиришда бу серҳаражат, сермашаққат ҳудуд ташлаб кетилиб, тупроғи тоза, арзон ўзлаштириладиган жойларда хўжаликлар ташкил этилган, шунинг натижасида Меҳнатобод далалари 15—20 йил навбат кутиб ётган эди. Аҳволнинг қандайлигини тасаввур этиш учун битта қиёснинг ўзи етарли: бошқа зоналарда фойдаланишга топширилган ерларда жорий текислаш ўтказилган, холос. 3—4 йил пахта ҳосили олинганидан кейингина шўрланиш содир бўлиб, ерларни кейин шўри ювилган. Меҳнатободда эса ерлар текислангач, 1—2 йил бадалида шўри ювилиб, кейингина ўзлаштирувчилар уларни хўжаликка топширган...

Ғанишер Юнусов номли давлат хўжалиги ўзининг ўн саккизинчи баҳорида моҳиятини ҳам, номини ҳам ўзгартирди. Шу йил 29 март куни у ширкат хўжалигига айланди. Унга энди директор эмас, раис раҳбарлик қиладиган 1987 йилдан буён хўжаликка директорлик қилиб унинг иқтисодий аҳволини яхшилашга бош-қош бўлган, қолоқликдан илғорлик даражасига олиб чиққан Пиримқул Сойибназаров эндиликда ширкат раиси. Биз ундан меҳнатга муносабат ўзгарган ёки ўзгармаганлиги ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— Ер аввалгидай давлат тасарруфида, — деди П. Сойибназаров. — Бироқ, мавжуд техника ва транспорт воситалари, суғориш тармоқлари, йўллар, дала шийпонлари, меҳнат қуроллари, зовурларгача жамоаларга бўлимларга ўз мулки қилиб берилди. Давлат хўжалиги пайтида одамларда «бизни давлат боқади, керак пайтда қарз беради» деган тасаввур бор эди. Энди ундай эмас. Агар ўз аравамизни ўзимиз тортолмасак, ўзимизни боқишни уддалай олмасак, ширкат йўқолади. Шунинг учун бор куч, техникани авайлаб-асрашга, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб-тергашга, энг кўп даромад берадиган экинларни, масалан, пахтани кўпайтиришга ҳаракат қилинади.

Ширкат кадрлар бўлими бошлиғи Кароматилла Раҳматуллаев бошқа омил — одамлар муқимлиги ошгани ҳақида гапирди. Хўжаликдан мўмай даромад олаётган меҳнаткашларнинг кўчиб кетиш ҳоллари кескин камайган. Ҳозир 95 фоиз бригада бошлиқлари кўп йилдан буён ишлаётганлардан. Аҳолининг ўтроқлашувига яхши даромад олишлари, қолаверса, уйларнинг хусусий қилиб берилгани ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки бу кишиларни хўжаликда томир отиб қолишига, унга меҳр қўйишга сабаб бўлаётир. Ҳозир хўжаликнинг маркази Баҳористон қўрғонидаги жамики коттежлар хусусийлаштирилган. Имтиёзлиларга бепул, бошқаларга эса 5—7 минг сўмданга сотилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги қийинчиликларни бартараф этиш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш йўлида ҳам хўжаликда айрим ибратли ишлар қилинаётир. Жумладан, ўтган йили режадан ортиқ буғдойдан 100 тоннаси Ховос ун заводида тортилиб, хўжаликка келтирилди. Кам харж оилаларга арзон баҳода берилаётир. Тўй қилувчиларга, маросимларга ҳам керакли миқдордаги ун арзон нархда тарқатилди. Шунингдек, механизаторлар, сут соғувчилар, чорвадорлар ҳам шу имтиёздан фойдаланишмоқда. 8 тонна пахта ёғи арзон нархда сотилди.

Бугунги кунда 700 хонадонда 3000 бош қорамол-1000 бош қўй-эчки бор. Хўжалик раҳбарияти аҳоли чорвасини ем-хашак, шелуха, кунжара билан таъминлаш бўйича қатъий тадбирлар тузган ва унга амал қилиб келаётир.

Бу йилги баҳор деҳқонларга талай ташвишлар олиб келди: чигит такрор-такрор экилди. Лекин ширкатнинг аҳил деҳқонлари 3770 гектар майдонда ғўза ўстириб, режадаги 17,5 ўрнига 20 центнердан ҳосил олиб, ялпи хирмонни 6320 тоннага етказишга аҳд қилишган. 500 гектар ерда эса 20 центнердан дон етиштиришга бел боғлашган..

Мавзуимиз — боғлар ҳақида. Бироқ, боғлар, улар таровати пахта хирмонларимиз юксак бўлганида ўзгача татийди. Хўжалик марказий қўрғони ёнида ўтган йили барпо этилган 15 гектарлик боғда баравж ўсаётган ниҳолларни кўриб, баҳри-дилимиз очилди. Йўлнинг ўнг томонида эса ер текисланмоқда. Келгуси йил бу ерда ҳам янги 20 гектарлик боғ пайдо бўлади.

— Ўттиз гектарлик илк боғимиз марказий қўрғондан четроқда, — деди Пиримқул Сойибназаров.

Ширкатдан қайтарканмиз, боғлар, уларнинг бунёдкорлари, заминга — боққа меҳр қўйган кишилар ҳақида илиқ гаплар айтгимиз келди. Қайси бўлим дала шийпонига борманг, уларни боғча оғушида кўрасиз. 12 та дала шийпонининг ҳар бирида ярим гектарлик, 3 тасида эса икки гектарлик боғлар бўлиб, уларда етиштириладиган ҳосил шу жамоа эҳтиёжи учун мўлжалланган. 3 ширкат бошлиғи Ваҳобхўжа Поччаев дала шийпонидаги нок ва нашвати, узум ва анору анжир навларини санашга бармоқ камлик қилади...

Ҳамроқул РИЗО,
Жонибек СУБҲОН,
Сирдарё вилояти.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ДАМХЎЖАНИНГ СУВИ КЕЛДИ

● Бухоро ва Навоий вилоятларини ажратиб турган Зарафшон дарёси бўйига Дамхўжанинг ширин суви келди.

Бухоро газ саноати қурилиши трести, Хоразм Жанубий газ қурилиши трести бунёдкорларининг куч-ғайрати билан улкан сув қувурининг дастлабки 50 километри ишга созланиб, синовдан ўтказилди. Сув қувурининг Бухорогача қолган қисмида ишлар тобора жадаллашмоқда. Қурувчилар иншоотни Ўзбекистон мустақиллиги байрами кунигача фойдаланишга топшириш ниятида.

Н. НАИМОВ.

«КАШКАДАРЬИНСКАЯ ПРАВДА» 50 ЁШДА

Қаршида «Кашкадарьинская правда» муштарийлари газетанинг биринчи сони чиққанлигининг 50 йиллигини байрам қилдилар. Шу санага бағишлаб М. Тошмуҳамедов номли вилоят музикали драма театри биносида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Р. Раҳмонов очди. «Кашкадарьинская правда»нинг бош муҳаррири В. А. Соснин газета босиб ўтган шонли йўл ҳақида маъруза қилди. Сўзга чиққан шаҳар ҳокими М. Маҳмудов, «Каршиқурилиш» бирлашмаси партия кенгаши котиби А. Оленник, фахрий журналист И. Жалилов, «Қашқадарё ҳақиқати»нинг бош муҳаррири Р. Нурматов, театр актёри Й. Раҳимов ва бошқалар газета жамоасини юбилей билан қутлаб, ижодий муваффақиятлар тиладилар.

Вилоят, шаҳар ва район ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, билим масканларининг вакиллари газета ходимларига эсдалик совғалари топширдилар.

Йиғилишда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов сўзга чиқди.

М. ҚАРОМОВ.

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Серқуёш ўлкамиз ноз-неъматлари хусусида гап кетганда Тошкент вилоятидаги «Қибрай» боғдорчилик совхози тилга олинади. Бунинг боиси бор. Хўжаликда олмаю нок, шафтолию олхўри, қулупнай ва малиналарнинг бир неча тури мавжуд. Гилосларни айтмайсизми? Бу меванинг ҳам анвойи навлари — буқа юраги, қора гилос, эҳ-ҳе, қай бирини айтасиз — ҳаммасидан бор.

Хўжаликнинг Умри Улуғхўжаева бошлиқ 12-бригадаси аъзолари гилос етиштиришнинг усталари бўлиб кетишган. 20 гектар гилосзорда бу йил ҳосил ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлди.

— Мўлжалимиз эл дастурхонига 80 тонна сершира мева етказиб бериш эди. Уддасидан чиқдик, — дейди бригада бошлиғи — Ҳозир боғбонларимиз кечки ва ўртаки меваларни парваришлашяпти, ҳар туп мевали дарахт ардоғимизда. Уларга ҳашарот туширмаслик, мевасини янада сершира ва йирик қилиш пайидамиз. Мақсадимиз шаҳарликлар дастурхонини ноз-неъматлар билан янада тўкин қилишдир.

Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин. Ҳосилингиз мўл бўлиб, эл-юрт олдида юзингиз ёруғ бўлсин «Қибрай» боғбонлари.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) бригада бошлиғи Умри Улуғхўжаева миришкор боғбонлар Муҳаббат Турсунбоева ва Рихси Эшонқулова билан гилосларни кўздан кечиришяпти. Пастда эса шаҳарликлар дастурхонига жўнатилаётган гилослар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.

• НАЗМ ДАФТАРИДАН

БАҲОРИМНИ ҚАЙТА КЎРСАЙДИМ

СИЗДАН КЕЙИН

Борсам онам: жонимга
жон қўшгани,
Турсунжоним келибди,
деб яйрарди.
Мен эсам-чи, ташиб
қўша-қўш ғамни,
Нуқул болам ташвишидан
сўйлардим.
Жонингизга жон бўлмадим,
онам-а!

Дер эдингиз: чўнглар ичра
чўнгимсан,
Турсунжон деб атанг
менинг боламни,
Салтанатим бугун синди
чўпмисол,
Султонлиғим
етимликка таланди,
Сиздан кейин Хон бўлмадим,
онам-а!

Тевараги тўкис болам,
бор болам,
Турсунбойим, дея алқаб
ўтдингиз.
Минг бир камим теграмда
чарх урса ҳам,
Юрагимда тоғлар бино
этдингиз,
Сиздан кейин Бой
бўлмадим онам-а!

Истарангни нурдан қилди
худойим,
Турсун Ойим, Ой боламсан
дедингиз.
Бул мартаба букун йўқдир,
ойимим,
Нур узатгич Қуёшим
Сиз эдингиз,
Сиздан кейин
Ой бўлмадим, онам-а!

АРМОН

Бу оламнинг жанггоҳларида
Ҳар гал омон қолдим—
ўлмадим.
Рўзғор деганнинг чоҳларида
Толдим чунон, вале ўлмадим.

Жами дардни мағлуб
атарман,
Юз оғриққа даво ўзимман.
Лек, қўрқаман битта
хатардан,
Бир ҳавотир қувлайди
зимдан.

Онам мени шоир яратди,
Аёлликка ҳукм этди қисмат.
Куйламасам — гуноҳга
ботгум,
Куйлай десам — ҳадсиз
юмуш тахт!

Бўғзимдаги муножотларинг
Армонига тўларман бир кун.
Ўлсам — ёзилмаган
байтларнинг
Вуҳқонидан ўларман бир кун!

ЎН ТЎҚҚИЗИМГА

Ун тўққизим, тут барингни,
Баҳоримни қайта кўрай.
Бир боғ беда сочларингни
Ўзим қайта майда ўрай.

Оддийгина бурма кўйлак
Кийган нозик ниҳолим-а,
Зорим йўқдир сендан
бўлак,
Сендан бўлак йўқ золим-а.

Ун тўққизим нозу-адо,
Хатоларинг кўп бўлди-ку,
Мағрур этди сени худо,
Дардинг мени еб бўлди-ку!

Сен кўйдирган тоғлар нураб,
Баланд боши кумуш бўлди.
Бу тоғлардан узр сўраб,
Яшаш менга юмуш бўлди.

Юмуш бўлди юрак ютмоқ,
Ишим пинҳон куйиш бўлди.
Отин айтмай, зотин айтмай.
Дод бу қандоқ куйиш бўлди!

Ун тўққизим, келсанг қани,
Гуноҳингдан ўтар эдим.
Умрнинг ҳам мана салкам
Поёнига етай дедим.

Бир силкиниб, хумо бўлиб,
Эртакларни бошлаб келгин,
Сочларингни майда ўриб,
Белларингга ташлаб келгин...

ФАХРИЯ

«Анжон» деган садодан
жон қўшилур бу жона,
Шу етти ҳарф ичинда
Етти иқлим кошона.
Қай ёруғ кун ўзига
ёзмиш сени пешонам,
Анжонгача лаҳжа бирла
бир куйлай дилкашона.
Куйласин таранг тордай,
жонимнинг ҳар толаси,
Шу боғлар навосиман
Мен Андижон боласи.

Халқим ўзин сенсираб
ориятни «сиз»лаган,
Ҳар юмушнинг энг оғир,
энг баландин кўзлаган.
Гапни ҳам бўлакламай,
улгуржисин сўзлаган.

Аммо ўзи бир сўздан
бор бўлган ё музлаган.
Сўзнинг баҳоси бизда
бамисоли жончадир,
Гар дўст бўлсанг, топиб де—
феъллар андижончадир!

Отам дерди: болам, бил,
кимки тоза ниятдир,
Кўнгли очиқлик унга
одат, хусусиятдир.
Остонаси юмшоқлик
қонингда ирсиятдир.
Уч кун меҳмон келмаса,
анжонликка уятдир.
Ўзни ерга, меҳмонни
кўзга қўйиб ўтганмиз,
Бу қарз ҳам фарздир, чунки
Андижонда битганмиз.
Ногоҳ кимдир қўша-қўш
мошинларга беркинса,
Остонаси тиллодан
кошинларга беркинса,
Икки қўллаб емакдан
тўймадим деб ўкинса.
Мавқе учун эмаклаб,
пасткашларча юкунса,
Дейман: зотинг ким эди,
ҳой, сен, доннинг оласи!
Улганда ҳам мард ўлган
Андижоннинг боласи!
...Хўтан, Қўшиқларини
тиклаганлар мард бўлди.
Аммо, қанча сўлим сой
ўзан бўлди, зард бўлди.
Боғларнинг ранги кетди,
боғлари дардманд бўлди,
Унлаб завод бағрида
шаҳар юзи ғард бўлди,
Айтгил ҳамдард бўлдингми,
келганида хонаси!
Қайларда қолдинг: мардим,
Андижоннинг боласи!

Бу тупроқни аяб бос,
қўймагил озорларга,
Бу ер деб беш асрни
Бобур кўмди зорларга,
Зор келур «Анжо-он» деган
ул Ғарбий мозорлардан,
Тирикмиз-ку, биз бурчни
солдикми бозорларга!
Бу ернинг ҳар мушкули
сену менга таниласми,
Андижон жон оғритиб,
куйгудай ватанмасми!

Болангман, онам юртим,
сен тўлишсанг, тўлойин,
Сенга мен соф ҳаволар,
соғлом жонлар тилайин,
Юрагингга дилимнинг
торларини улойин,
Хонишинг бўлай ўзим,
ўзим қумринг бўлойин,
Дунё ҳаритасида
нуқтамсан — бир жаҳоний,
Анда бу жоним деди
Турсунхон Андижоний!

* * *

Эл ичида, тил ичида сизни кам-кам суйиб кўрдим,
Дил ичига сўзга сиғмас дардларимни уйиб кўрдим,
Сиз томонга борар йўлни, учар ўйни тийиб кўрдим,
Тийиб ўзни бу жон ичра жаҳаннамни туйиб кўрдим.
Эл ичида, тил ичида сизга кам-кам куйиб қўйдим,
Сизга кам-кам куёлдим деб, ўзни тамтамликка йўйдим,
Бу иш бирла муҳаббатнинг юрак-бағрин чунон ўйдим,
Бу ёлғончи тилимдан мен ёмон тўйдим, ёмон тўйдим.
Бу кун не бўлса бўлсин деб, дилим учди қафаслардан,
Бугун ошкора бўзларман кечиб жонимга қасдлардан,
Бўлинг огоҳ, сочилгай ўт бугун осмону пастлардан,
Худойим асрасин сизни бизим оташ нафаслардан.
Куйиб юрманг, мана сиз деб, кўмир янглиғ куйиб қўйдим,
Суйиб сизни бу жон ичра жаҳаннамни туйиб қўйдим.

Турсуной СОДИҚОВА. Андижон вилояти.

• Ҳуқуқшунослигимиз жонкуярлари

ИБРАТ

ОЧЕРК

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти даргоҳига қадам қўйсангиз, у ерда ҳуқуқимиз жонкуярлари қаторидан аллақачон ўрин олган бир инсонга дуч келасиз. Миқти гавдали, қиров босган қуюқ сочлари силлиқ таралган, шахдам одим ташлаб, такаллуф билан сўрашадиган, текис юзларидан меҳрибонлик, тик боқадиган жиддий кўзларидан нур ёғилиб турадиган бу киши ҳўқуқшунослик фанлари доктори, профессор Эгамберди Ҳакимовдир. Унинг аллақачон етмиш ёшдан ошганлигини эшитсангиз, ҳамон изидан ҳавасу завққа тўла нигоҳ билан қараб қоласиз. Кимдир ўзича «Оғирлик кўрмаганлардан бўлса керак-да....» дея минғирлаб қўйиши ҳам мумкин.

Мен бу инсоннинг ҳаёт зарварақларига кўз юритганим ҳамон, хаёлимга азалий бир ривоят келади: Тангри жон ато этган жамики жонзодлар — мавжудот борким, улар орасида йиғлаб туғулиш фақат инсонга хос экан. Яратганнинг ўзи дунёга келган чақалоқнинг ҳаёт насибасини бир ҳовуч ҳолда Унинг оғзига тутар экан. Туғилган чақалоқ йиғламаса, ҳаёт насибаси унга тақдир қилмас ва у ўлармиш. Агар у бўғилиб калта йиғласа, умри анча ёш тугаркан. Бир марта чўзиб йиғлаб, сўнг жимиб қолса, ҳаётининг ўрталарида дунёдан кўз юмаркан. Узоқ-узоқ ва чўзиб йиғласа умри узоқ бўлиб, оғзига тутилган насибасини йиғиси нафаси билан дунёнинг қайсидир бурчакларига сочиб юборар ва ҳаётнинг охиригача уни топиб, татиб кўрмагунга қадар яшайверар-кан. Бу бир ривоят, албатта.

Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ туманидаги Гул қишлоғилик яккаҳол деҳқон — Ҳакимжон аканинг хонадонида тўнғич ўғил туғилган 1922 йилнинг 21 декабри изғиринли оқшомида у ердан эшитилган кучли ва жаранглар чақалоқ овозини қўйиқўшнилар эшитган бўлишса ажаб эмас. Чунки шу куни бугун номини тилга олаётган қаҳрамонимиз дунёга келган, тақдири азалдан ҳадя этилган жаҳонгирлик, катта ва серташвиш, аммо улуғ курашлар ва ғам ташвиш, ҳаёт чўққиларини забт этиш, бардамлик тарк этмаслиги вужудига жойлашган инсон туғилганди. Унга яратганнинг туҳфаси сифатида ЭГАМБЕРДИ деб ном қўйдилар.

Эгамберди ўсиб, ёшлик даврини ўтказиб, ўсмирлик даврига қадам қўйганида, ота-онасидан ажралиб, ёлғиз ўзи ҳаётнинг ҳаёт-мамот курашига отланиб, қўлига қурол тутди. Бу чекка қишлоқлик оддий ўзбек ўғлонининг адолат учун катта кураш йўлида қўйган қадамининг бошланиши эди.

Жангларда, сафдошлари орасида Эгамберди ўз мардлиги, навқирлигини намойиш қилди. Тез орада қўмондонлик назарига тушди. Уни Пенза шаҳридаги минамётчилар билим юртига жўнатишди. 1942 йилдан бошлаб ёш офицер Эгамберди Ҳакимов минамётчилар ўт очиш взводининг командири, сўнгроқ разведкачилар взводи ҳамда 120 миллиметрлик минамётчилар батареясининг командири этиб тайинланди. Шу вақтдан бошлаб ёш ўзбек йигитининг жасоратлари тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Катторидаги бир туп ҳусайни эса ўзининг алоҳида тарихи билан фахрланиб ўсади. Унинг тагидаги тахтачада қуйидаги сўзлар бор: «Бу токни адиб Ш. Р. Рашидов эккан. 1977 йил. июнь».

Бу ёзув олдида бир зум ўйга чўмасан, киши. Чўлдаги ҳар бир хўжаликни яхши билган, уларнинг равнақ топиши учун ҳаракат қилган республика раҳбари шу шийпонда ҳам бўлган, бу хўжаликларнинг аста-секин оёққа туриб, халқ учун хизмат қилишга ишонган эди. Зеро, бугун мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир пахтакори, боғбони, чорвадори ўзининг фидойи ва ҳалол меҳнати билан шу мустақилликни мустаҳкамлаш, республика иқтисодиётини бақувват ва барқарор қилиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Ҳар туп дарахт, ҳар туп ниҳол бу эзгу мақсадга сафарбар. Бу кунларга келгунча қанча машаққатли қишлар ўтмади, дейсиз.

Меҳнатобод туманидаги хўжаликлар замини ўта шўрланган, гипс қатламли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Мирзачўлни ўзлаштиришда бу серҳаражат, сермашаққат ҳудуд ташлаб кетилиб, тупроғи тоза, арзон ўзлаштириладиган жойларда хўжаликлар ташкил этилган, шунинг натижасида Меҳнатобод далалари 15—20 йил навбат кутиб ётган эди. Аҳволнинг қандайлигини тасаввур этиш учун битта қиёснинг ўзи етарли: бошқа зоналарда фойдаланишга топширилган ерларда жорий текислаш ўтказилган, холос. 3—4 йил пахта ҳосили олинганидан кейингина шўрланиш содир бўлиб, ерларни кейин шўри ювилган. Меҳнатободда эса ерлар текислангач, 1—2 йил бадалида шўри ювилиб, кейингина ўзлаштирувчилар уларни хўжаликка топширган...

Ғанишер Юнусов номли давлат хўжалиги ўзининг ўн саккизинчи баҳорида моҳиятини ҳам, номини ҳам ўзгартирди. Шу йил 29 март куни у ширкат хўжалигига айланди. Унга энди директор эмас, раис раҳбарлик қиладиган 1987 йилдан буён хўжаликка директорлик қилиб унинг иқтисодий аҳволини яхшилашга бош-қош бўлган, қолоқликдан илғорлик даражасига олиб чиққан Пиримқул Сойибназаров эндиликда ширкат раиси. Биз ундан меҳнатга муносабат ўзгарган ёки ўзгармаганлиги ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— Ер аввалгидай давлат тасарруфида, — деди П. Сойибназаров. — Бироқ, мавжуд техника ва транспорт воситалари, суғориш тармоқлари, йўллар, дала шийпонлари, меҳнат қуроллари, зовурларгача жамоаларга бўлимларга ўз мулки қилиб берилди. Давлат хўжалиги пайтида одамларда «бизни давлат боқади, керак пайтда қарз беради» деган тасаввур бор эди. Энди ундай эмас. Агар ўз аравамизни ўзимиз тортолмасак, ўзимизни боқишни уддалай олмасак, ширкат йўқолади. Шунинг учун бор куч, техникани авайлаб-асрашга, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб-тергашга, энг кўп даромад берадиган экинларни, масалан, пахтани кўпайтиришга ҳаракат қилинади.

Ширкат кадрлар бўлими бошлиғи Кароматилла Раҳматуллаев бошқа омил — одамлар муқимлиги ошгани ҳақида гапирди. Хўжаликдан мўмай даромад олаётган меҳнаткашларнинг кўчиб кетиш ҳоллари кескин камайган. Ҳозир 95 фоиз бригада бошлиқлари кўп йилдан буён ишлаётганлардан. Аҳолининг ўтроқлашувига яхши даромад олишлари, қолаверса, уйларнинг хусусий қилиб берилгани ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки бу кишиларни хўжаликда томир отиб қолишига, унга меҳр қўйишга сабаб бўлаётир. Ҳозир хўжаликнинг маркази Баҳористон қўрғонидаги жамики коттежлар хусусийлаштирилган. Имтиёзлиларга бепул, бошқаларга эса 5—7 минг сўмданга сотилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги қийинчиликларни бартараф этиш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш йўлида ҳам хўжаликда айрим ибратли ишлар қилинаётир. Жумладан, ўтган йили режадан ортиқ буғдойдан 100 тоннаси Ховос ун заводида тортилиб, хўжаликка келтирилди. Кам харж оилаларга арзон баҳода берилаётир. Тўй қилувчиларга, маросимларга ҳам керакли миқдордаги ун арзон нархда тарқатилди. Шунингдек, механизаторлар, сут соғувчилар, чорвадорлар ҳам шу имтиёздан фойдаланишмоқда. 8 тонна пахта ёғи арзон нархда сотилди.

Бугунги кунда 700 хонадонда 3000 бош қорамол-1000 бош қўй-эчки бор. Хўжалик раҳбарияти аҳоли чорвасини ем-хашак, шелуха, кунжара билан таъминлаш бўйича қатъий тадбирлар тузган ва унга амал қилиб келаётир.

Бу йилги баҳор деҳқонларга талай ташвишлар олиб келди: чигит такрор-такрор экилди. Лекин ширкатнинг аҳил деҳқонлари 3770 гектар майдонда ғўза ўстириб, режадаги 17,5 ўрнига 20 центнердан ҳосил олиб, ялпи хирмонни 6320 тоннага етказишга аҳд қилишган. 500 гектар ерда эса 20 центнердан дон етиштиришга бел боғлашган..

Мавзуимиз — боғлар ҳақида. Бироқ, боғлар, улар таровати пахта хирмонларимиз юксак бўлганида ўзгача татийди. Хўжалик марказий қўрғони ёнида ўтган йили барпо этилган 15 гектарлик боғда баравж ўсаётган ниҳолларни кўриб, баҳри-дилимиз очилди. Йўлнинг ўнг томонида эса ер текисланмоқда. Келгуси йил бу ерда ҳам янги 20 гектарлик боғ пайдо бўлади.

— Ўттиз гектарлик илк боғимиз марказий қўрғондан четроқда, — деди Пиримқул Сойибназаров.

Ширкатдан қайтарканмиз, боғлар, уларнинг бунёдкорлари, заминга — боққа меҳр қўйган кишилар ҳақида илиқ гаплар айтгимиз келди. Қайси бўлим дала шийпонига борманг, уларни боғча оғушида кўрасиз. 12 та дала шийпонининг ҳар бирида ярим гектарлик, 3 тасида эса икки гектарлик боғлар бўлиб, уларда етиштириладиган ҳосил шу жамоа эҳтиёжи учун мўлжалланган. 3 ширкат бошлиғи Ваҳобхўжа Поччаев дала шийпонидаги нок ва нашвати, узум ва анору анжир навларини санашга бармоқ камлик қилади...

Ҳамроқул РИЗО,
Жонибек СУБҲОН,
Сирдарё вилояти.

Эгамберди ўсиб, ёшлик даврини ўтказиб, ўсмирлик даврига қадам қўйганида, ота-онасидан ажралиб, ёлғиз ўзи ҳаётнинг ҳаёт-мамот курашига отланиб, қўлига қурол тутди. Бу чекка қишлоқлик оддий ўзбек ўғлонининг адолат учун катта кураш йўлида қўйган қадамининг бошланиши эди.

Жангларда, сафдошлари орасида Эгамберди ўз мардлиги, навқирлигини намойиш қилди. Тез орада қўмондонлик назарига тушди. Уни Пенза шаҳридаги минамётчилар билим юртига жўнатишди. 1942 йилдан бошлаб ёш офицер Эгамберди Ҳакимов минамётчилар ўт очиш взводининг командири, сўнгроқ разведкачилар взводи ҳамда 120 миллиметрлик минамётчилар батареясининг командири этиб тайинланди. Шу вақтдан бошлаб ёш ўзбек йигитининг жасоратлари тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Катторидаги бир туп ҳусайни эса ўзининг алоҳида тарихи билан фахрланиб ўсади. Унинг тагидаги тахтачада қуйидаги сўзлар бор: «Бу токни адиб Ш. Р. Рашидов эккан. 1977 йил. июнь».

Бу ёзув олдида бир зум ўйга чўмасан, киши. Чўлдаги ҳар бир хўжаликни яхши билган, уларнинг равнақ топиши учун ҳаракат қилган республика раҳбари шу шийпонда ҳам бўлган, бу хўжаликларнинг аста-секин оёққа туриб, халқ учун хизмат қилишга ишонган эди. Зеро, бугун мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир пахтакори, боғбони, чорвадори ўзининг фидойи ва ҳалол меҳнати билан шу мустақилликни мустаҳкамлаш, республика иқтисодиётини бақувват ва барқарор қилиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Ҳар туп дарахт, ҳар туп ниҳол бу эзгу мақсадга сафарбар. Бу кунларга келгунча қанча машаққатли қишлар ўтмади, дейсиз.

Меҳнатобод туманидаги хўжаликлар замини ўта шўрланган, гипс қатламли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Мирзачўлни ўзлаштиришда бу серҳаражат, сермашаққат ҳудуд ташлаб кетилиб, тупроғи тоза, арзон ўзлаштириладиган жойларда хўжаликлар ташкил этилган, шунинг натижасида Меҳнатобод далалари 15—20 йил навбат кутиб ётган эди. Аҳволнинг қандайлигини тасаввур этиш учун битта қиёснинг ўзи етарли: бошқа зоналарда фойдаланишга топширилган ерларда жорий текислаш ўтказилган, холос. 3—4 йил пахта ҳосили олинганидан кейингина шўрланиш содир бўлиб, ерларни кейин шўри ювилган. Меҳнатободда эса ерлар текислангач, 1—2 йил бадалида шўри ювилиб, кейингина ўзлаштирувчилар уларни хўжаликка топширган...

Ғанишер Юнусов номли давлат хўжалиги ўзининг ўн саккизинчи баҳорида моҳиятини ҳам, номини ҳам ўзгартирди. Шу йил 29 март куни у ширкат хўжалигига айланди. Унга энди директор эмас, раис раҳбарлик қиладиган 1987 йилдан буён хўжаликка директорлик қилиб унинг иқтисодий аҳволини яхшилашга бош-қош бўлган, қолоқликдан илғорлик даражасига олиб чиққан Пиримқул Сойибназаров эндиликда ширкат раиси. Биз ундан меҳнатга муносабат ўзгарган ёки ўзгармаганлиги ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— Ер аввалгидай давлат тасарруфида, — деди П. Сойибназаров. — Бироқ, мавжуд техника ва транспорт воситалари, суғориш тармоқлари, йўллар, дала шийпонлари, меҳнат қуроллари, зовурларгача жамоаларга бўлимларга ўз мулки қилиб берилди. Давлат хўжалиги пайтида одамларда «бизни давлат боқади, керак пайтда қарз беради» деган тасаввур бор эди. Энди ундай эмас. Агар ўз аравамизни ўзимиз тортолмасак, ўзимизни боқишни уддалай олмасак, ширкат йўқолади. Шунинг учун бор куч, техникани авайлаб-асрашга, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб-тергашга, энг кўп даромад берадиган экинларни, масалан, пахтани кўпайтиришга ҳаракат қилинади.

Ширкат кадрлар бўлими бошлиғи Кароматилла Раҳматуллаев бошқа омил — одамлар муқимлиги ошгани ҳақида гапирди. Хўжаликдан мўмай даром

POLO

Қуйидаги манзилга мурожаат этиб, бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш мумкин:

Ўзбекистон Республикасидаги савдо агентларимиз:
"Мунис" ЛТД,
"ХЕСО" ЛТД,
шунингдек
"ФРИЯ" фирмалари.

Тошкент шаҳри,
Катта Миробод кўчаси,
158-уй (Ивлев, 67).

"Табани групп оф компаниз"

Fax. 54-08-30.
Telex. 116416 TABANI SU

Telephon. 32-35-53,
54-06-70, 54-07-98,
55-35-49.

Бош бошқарувчиси
Аббосхон



Чекиш соғлиғингизга зарардир!

• *Шахмат* •

ДОНА СУРИШ БОШЛАНДИ

● Қаршида Рўзимат Ғойибов хотирасига бағишланган халқаро шахмат мусобақаси бошланди.

Байрамона безатилган «Қашқадарёқурилиш» трестининг маданият маркази биноси узоқ яқиндан келган шахматчилар, ҳакамлар, меҳмону томошабинлар билан гавжумлашди.

— Воҳамизда Рўзимат Ғойибов хотирасига бағишланган халқаро мусобақанинг ўтказилиши бежиз эмас, деб гап бошлайди вилоят ҳокими ўринбосари, халқаро баҳс ташкилий қўмитаси раиси Қ. Тўйчиев. — Бу ажойиб инсоннинг вилоятга раҳбарлик қилган йилларини одамлар ифтихор билан эслашади. Унинг саъй-ҳаракатлари билан қўриқ воҳа равнақ топиб, гуллаб яшнаган.

Мамлакат чемпиони Сайдали Йўлдошев, волгоградлик спорт устаси Александр Тихонов ҳамда Рўзимат Ғойибовнинг ўғли Одил Ғойибовлар халқаро мусобақа қатнашчиларини табриклаб, муваффақият тиладилар.

Ўзаро дона суриш бошланди. Унда мамлакатимиз ва ҳамдўстлик давлатларидан ташриф буюрган 40 дан зиёд таниқли шахматчи қатнашмоқда. Мусобақани республика тонфасидаги ҳакам Қаҳрамон Холмўминов бошқармоқда. Биз Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг бош котиби, республика шахмат клуби раҳбари Роман Кимни суҳбатга тортдик.

— Халқаро мусобақада нуфузли шахматчилар қатнашяпти. Жумладан, халқаро спорт усталари самарқандлик Тоҳир Воҳидов, бухоролик Сергей Нодирхонов, спорт усталари бухоролик Сергей Галахов, тошкентлик Эдуард Гриншкун, чирчиқлик Сайдали Йўлдошев, самарқандлик Шуҳрат Сафин ва бошқалар бор. Соврин учун кураш муросасиз баҳсга айланиб, бетакрор воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда. Биз эса кучларни саралашга ҳаракат қиламиз. Чунки, олдинда катта мусобақалар турибди.

М. КАРОМОВ.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ АУДИТ МАРКАЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

— мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар учун бухгалтерлар тайёрлаш гуруҳларига тингловчилар қабул қилади. Сизлар марказ машғулотларида бухгалтерлик ҳисоби ва солиқ тўловларининг янги ҳисоботи, молия-хўжалик фаолиятининг қулай усулларини ўрганасизлар.

Ўқиш муддати 2 ой, машғулотлар 1993 йил 2 сентябрда бошланади.

— Тошкент молия институти бухгалтерлик ҳисоби профессори Абдураҳмон Сотволдиев раҳбарлик қиладиган ўзбек тилида ишлашга ўқитиш курсига бухгалтерлар таклиф этилади.

Ўқиш муддати 2 ой, машғулотлар 1993 йил 2 сентябрда бошланади.

— Аудиторлик фаолиятида ишлаш ҳуқуқига лицензия олиш учун аудиторлар гуруҳига тингловчилар таклиф этилади. Ариза берувчи шахслар олий маълумотли, молия, бошқариш, бухгалтерлик ҳисоби ва назорат соҳаларида камида 5 йил амалий иш стажига эга бўлишлари лозим.

Ўқиш муддати — 3 ой, машғулотлар 1993 йил 2 сентябрда бошланади.

Буюк Британиянинг Вестминстер университетида бухгалтерлик ҳисоби халқаро ўлчамлари проблемалари бўйича икки ойлик стажировка учун камида 5 йил амалий иш тажрибаси бўлган ва инглиз тилини биладиган мутахассис бухгалтерлар гуруҳи тузилмоқда. Инглиз тилини билмайдиганлар учун тезкор курслар ташкил этилади.

— 1993 йил сентябрь ойида ўтказиладиган «Молиявий фаолият бошқаруви» мавзусида 5 кунлик семинар учун гуруҳлар тузилмоқда. Машғулотларни Буюк Британиянинг дипломли бухгалтерлар ассоциацияси профессорлари ва тажрибали ходимлари олиб борадилар.

Семинар дастурида: хусусий ишбилармонлик проблемалари бўйича ҳар хил вазиятда масалаларни ҳал этиш, балансларни тузиш, молиявий ҳисоботлар, фойда ва нақд пуллар ҳаракати ўртасида ўзаро муносабатлар, пул қадрсизланишининг фойдага таъсири, нақд пуллар ҳаракати бўйича истиқболни тайёрлаш, бюджетлар, капитал сарф-харажатларни аниқлаш проблемалари, молиявий ҳисоботларда чалкашликлар, ишларни режалаштириш, ҳисоб бошқаруви, бухгалтерлик ҳисобида, аудитда компьютерлардан фойдаланиш ва бошқалар.

Аудит маркази «Все для бухгалтера» бюллетени обунаси ва чакана тарқатишни ташкил этади. Бу мажмуада барча кейинги қонунлар ва норматив ҳужжатлар жамланган.

Аудит маркази Аудиторлик хизмати бўйича буюртмалар қабул қилади.

Машғулотларни Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг кўзга кўринган мутахассислари олиб борадилар.

Ўқишлар ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда олиб борилади.

Манзилгоҳимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Урицкий кўчаси, 6-уй, Телефон: 34-01-87.

«Ворис» фирмаси ўз фаолиятини тугатганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси жамоаси Ишлар бошқармаси бошлиғи Зилемхон Ҳайдарович Ҳайдаровга оналари

ФОТИМА АЯнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девон суратчи референти

Рафиқ ҒАФУРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқарувчиси З. Ҳ. Ҳайдаровга волидаи муҳтарамалари

Фотима ая ХУДОЙҚУЛОВАнинг

оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси бошлиғи З. Ҳ. Ҳайдаров ва концернинг собиқ бош муҳандиси С. Х. Худойқуловга волидаи муҳтарамалари

Фотиқа ХУДОЙҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси агросаноат маҳсулотларини қайта ишлаш бўлими бошлиғининг муовини А. Мирзаевга отаси

ЖУРА отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент Давлат муаллимлар олийгоҳи ректорати ва математика факультети жамоаси «Алгебра ва сонлар назарияси» кафедрасининг доценти Р. Ерқуловга отаси **Ерқул РУЗИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70, 32-53-15.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Нукусда — 2-42-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.
Навбатчи муҳаррир: Р. АҲМАДАЛИЕВ.

● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нуса.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00.
Г — 274 № 124.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.